
РИШТОН ТУМАНИГА ЯНГИ ПРОКУРОР ТАЙИНЛАНДИ

Бугун Риштон туман ҳокими С. Солиев ва вилоят прокурори ўринбосари М. Аҳмедов билан биргаликда ташкилий йиғилиш ўтказилди. Йиғилишда туман сектор раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишда шу вақтга қадар туман прокурори лавозимида ишлаб келган Ш. Турдалиевнинг бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Риштон туманига Мадалиев Рустамжон Раҳмонович прокурор этиб тайинланди. Сўзга чиққанлар Р. Мадалиевнинг янги иш фаолиятида омадлар тилашди.

Рустам Мадалиев 1984 йили Данғара туманида туғилган. 2007 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган. 2007–2008 йилларда Риштон тумани прокурори ёрдамчиси иш ўрганувчи 2008-2010 йилларда Бувайда тумани прокурори ёрдамчиси 2010-2014 йилларда Фарғона вилояти прокуратурасида фаолият юритган 2014-2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида фаолият юритган. 2019-2021 йилларда Тошкент вилояти Қибрай тумани прокурорининг ўринбосари 2021 йидан бугунги кунга қадар Тошкент вилояти прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилоти бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган. 2022 йилнинг 13 апрелидан Риштон тумани прокурори этиб тайинланди.

2022-04-14 05:41:32